

ISSN 2091 – 5616

# AGRO ILM

4-CON 1831, 2022



# AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ  
VA SUV XO‘JALIGI»  
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:  
Тоҳир  
ДОЛИЕВ

МУАССИС:  
Ўзбекистон  
Республикаси Қишлоқ  
ва Сув хўжалиги  
вазирликлари

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0291-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

А.Тўраев  
(Ҳайъат раиси)  
Ҳ.Атабаева  
М.Аманова  
Ш.Бобомуродов  
А.Даминов  
Д.Ёрматова  
Ш.Жабборов  
А.Ибрагимов

П.Ибрагимов  
У.Исмаилов  
Б.Исроилов  
А.Мадалиев  
А.Маърупов  
Р.Назаров  
Р.Низомов  
Т.Остонақулов  
М.Пардаев  
А.Равшанов

Ф.Расулов  
Й.Сайимназаров  
Ж.Сатторов  
М.Сатторов  
Ф.Тешаев  
М.Тошболтаев  
Е.Торениязов  
Д.Тунгушова  
А.Тўхтақўзиёв  
Т.Фармонов

Б.Холиқов,  
Д.Холмирзаев  
Н.Хушматов  
А.Ҳамзаев  
А.Ҳошимов  
С.Шамшетов  
А.Шокиров  
Ш.Шообидов  
А.Элмуродов  
И.Қўзиёв

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI»  
ва «AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган  
илмий мақолаларга қўйиладиган  
**ТАЛАБЛАР**

### 1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;

— тушунарли ва раён баён этилиши;

— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (қўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, инглиз тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга **10 бетдан**, илмий хабарлар эса **4 бетдан** ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал** ва **14 кеглда**, Times New Roman ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. Мақолани расмийлаштириш (формуларни ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул

қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос **УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чап бурчагига қўйилади**. Мақола охирида адабиётлар рўйхати, муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, **2 нусхада электрон варианты билан қабул қилинади**. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, **телефон рақамлари** тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани тақриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятга топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

ТАХРИРИЯТ

**2022 йил,**  
**4-илова (83)-сон**

**Бир йилда олти марта чоп этилади.**

**Обуна индекси—859**

**Журнал 2007 йил августдан чиқа бошлаган.**

© «AGRO ILM» журнали.

**Манзилимиз:**  
**Тошкент 100004,**  
**Шайхонтоҳур тумани**  
**А.Навоий кўчаси, 44-уй.**  
**Тел/факс: 249-13-54.**  
**242-13-54.**

**Facebook: uzqxjournal**  
**Telegram: qxjournal\_uz;**  
**Сайт: www.qxjournal.uz**  
**E-mail: qxjournal@mail.ru**

**ПАХТАЧИЛИК**

**А.ИМИНОВ, Д.ХОЛДАРОВА, С.ХАТАМОВ, Д.ҒАНИЕВ.** Ғўзанинг кўчат қалинлиги ва ривожланиш даврларига такрорий дуккакли дон экинларида қўлланилган нитрагин ва минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири.....3

**Қ.ДАВРОНОВ, Б.УМАРҚУЛОВА.** Суспензия сифатида янги суюқ азотли ўғитини қўллашнинг ғўза ҳосил салмоғи кўпайишига таъсири.....5

**ҒАЛЛАЧИЛИК**

**Ч.ҚАШҚАБОЕВА, Б.РАВШАНОВ, А.ХАЛБАЕВ, К.ҚАЮМОВА.** Шоли донининг технологик сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири.....6

**Ю.ХОЖАМКУЛОВА, Н.РАВШАНОВА.** Шоли навлари самарадорлиги ва сифат кўрсаткичларига турли сув қалинлигининг таъсири.....8

**Б.АХМАДЖОНОВ, И.АБДУЛЛАЕВ, Б.АХМЕДОВ.** Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг кузги арпа барг сатҳи ўзгаришига таъсири.....10

**Б.АЗИЗОВ, Р.УМАРОВ.** Баргдан озиклантириш ва стимуляторлар қўллашнинг кузги жавдар дон ҳосилдорлигига таъсири.....12

**Б.ХАЛМУРАТОВА, А.ҚАЛБАЕВА, Т.ТУРИМБЕТОВА, Л.КАШКИНБАЕВА.** Кузги буғдойни озиклантириш ва етиштириш агротехнологияси.....13

**Ф.ИБРАГИМОВ, Ч.ҚАШҚАБОЕВА, Б.РАВШАНОВ, А.ХОЛБАЕВ.** Шоли ўсимлигининг ўсиб ривожланишида қўлланилаётган азотли ўғитлар меъёрларининг таъсири.....14

**А.ФАЙЗУЛЛАЕВ, З.ЗИЯЕВ, С.БАБОЕВ, З.ЗИЯДУЛЛАЕВ, Э.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Эртапишар юмшоқ буғдойнинг занг касаллигига чидамли янги тизмаларини танлаш.....15

**У.АБЫЛЛАЕВ, М.КАМАЛОВ.** Устойчивость риса к пири-куляриозу в Республике Каракалпакстан.....16

**Л.ДЎСМАТОВА, Б.ХАЛИКОВ.** Сояни экиш муддат ва меъёрларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири.....17

**Б.БЕКБАНОВ, О.НАҒЫМЕТОВ, Б.АЛЛАМЖАРОВА, Р.РАЙЫМБЕРДИЕВА, Ш.МАТКАРИМОВА, Г.ЖОЛДАСОВА.** Влияние метеорологических условий на посевные качества семян яровой пшеницы.....18

**И.МИРЗАЕВА, Р.САЙТКАНОВА, Ф.ИБРАГИМОВ, У.РАХМАТОВ.** Соя нав намуналарининг рақобатли нав синови натижалари.....19

**Н.ХОДЖАЕВА, Х.АБДУМУТАЛИПОВА.** Takroriy ekin sifatida ekilgan soyaning yangi navlarini sug'orish tartiblariga nitroginning ta'siri.....21

**З.ЖУМАБОЕВ, Ш.РАХМОНОВ, У.САРИМСАҚОВ.** Янги истиқболли хорижий арпа навларини маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича қиёсий таққослаш.....22

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК**

**Ш.ХОДЖИМУХАМЕДОВА, Д.СУЮНДИКОВА.** Мева ва реза-ворларни етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.....24

**С.ПИРМАНОВА, Ж.ҚЎЗИЕВ.** Сабзавотларни етиштиришда ёмғирлатиб суғориш усулининг аҳамияти.....25

**А.ШОКИРОВ, М.ЖАДИГЕРОВА.** Қорақалпоғистоннинг кучсиз шўрланган майдонларида оқбош карам (*Brassica capitata*) нав намуналарининг турли экиш схемалари ва муддатлари.....27

**М.ҚУРБОНОВА, В.ҚУЛМУРОТОВ, В.МАХМАДИЙОРОВ, Г.ОМОНТО'РАЕВА.** Tanlov sinovi jarayonida baqlajonning ertapishar va serhosil tizmalarini o'rganish.....28

**С.ТУРСУНОВ, М.БАЙРАМОВ, Ш.ҒУЛОМОВ.** Аччиқ қалампир ҳосилдорлигига ўғитлар меъёрларининг таъсири.....29

**Р.ЮСУПОВ, Г.САЛИЛАЕВА.** Қовунларнинг сақланувчанлигига агротехник тадбирларнинг таъсири.....30

**ЎСИМЛИКШУНОСЛИК**

**Д.АСЛАМОВ, Н.ХУЖАЕВА.** Культивирования хлореллы.....31

**А.ҒАНИЕВ, Х.МУСТАНОВ.** *Artemisia dracunculus* L. (тархун шувоқ) ўсимлигини вегетатив ва генератив кўпайтириш усуллари.....33

**ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ**

**О.ТОЛИБҶОНОВ.** Anorni zararkunandalardan himoyalash.....34

**Т.ТОРЕНИЯЗОВ.** Данакли мева боғларида Aphididae оиласи вакиллари ривожланиш динамикаси.....35

**М.ШОДМАНОВ, О.МУСТАФОЕВА.** Ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши Стоп Бек гербицидини қўллашнинг самарадорлиги.....37

**А.АБДУРАСУЛОВ, Н.ВОХИДОВА, С.РАШИДОВА.** Яратилган технологик кетма-кетликда *Bombux mori* хитозани ва мис ионларидан олинган полимерметаллокомплекс ва у асосидаги “Купрумхит” полимер препаратив шаклининг биологик фаол хоссалари.....38

**ЧОРВАЧИЛИК**

**Ф.ИБРАГИМОВА, А.ДАМИНОВ.** Товуқлар эймериози ва колибактериозининг ассоциатив кечилишига қарши ишлатила-диган фенсид синергетик аралашмалари препаратининг ўткир ва сурункали заҳарлилик даражасини ўрганиш.....40

**Д.ТОШМУРОДОВ, Д.ЭШИМОВ, Д.ИБРАГИМОВ, Қ.ЭРҒАШЕВ.** Хитозан *Bombux mori* гидроксиапатити нанокомпозитларининг бройлер товуқларига берилиш муддати ва дозасини аниқлаш бўйича олинган натижалар.....41

**А.ҚУРБОНОВ.** Ўзбекистон шароитида сибирь осетр балиқларини (*acipenser baerii*) сунъий урчишти технологияси.....43

**С.КИМ, Б.МАМАТКУЛОВА, Д.УСМОНОВА, Х.ХОЛИҚОВ, И.ЗОХИДОВА.** Годовая динамика показателей качества воды в рыбоводных прудах при карповой поликультуре.....45

**Р.ЖАМОЛОВ, В.ВОВОЕВ, Н.ТЕШАВΟΥЕВ.** Asalari oilalarini sun'iy yo'l bilan ko'paytirish.....47

**ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ**

**М.ХАМИДОВ, Ж.ИШЧАНОВ, Е.ШЕРМАТОВ, М.МУХАММАДИЕВА.** Исследование влияния высыхания Аральского моря на глобальный климат планеты Земля.....49

<b>М.МУХАММАДИЕВ, С.ГАДАЕВ, А.ФАЙЗИЕВ, Х.ИЛАВИДДИНОВ.</b> Об использовании гидроэнергетического потенциала гидротехнических сооружений.....	50
<b>Ж.ДЎСТОВ, Н.ХУСАНБЕВА.</b> Томчилатиб суғориш усули – юқори ҳосилдорлик гарови.....	52
<b>А.АСРАҚУЛОВ.</b> Сидерат экинларнинг сувдан фойдаланиш самарадорлиги.....	54
<b>В.ИСАҚОВ, М.ЮСУПОВА, З.СОДИҚОВА, Р.АКБАРОВ.</b> Қумларнинг экомелиоратив ҳолатига суғориш сувларининг таъсири.....	55
<b>Х.АБДУХАКИМОВА, Г.СОТИБОЛДИЕВА, А.ЮЛДАШЕВ, Ж.МАМАТОВ.</b> Суғориладиган бўз тупроқлар агрокимёвий хусусиятларининг деҳқончилик таъсирида ўзгариши.....	57
<b>А.МИРЗАЕВ.</b> Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий-математик усули.....	58
<b>С.ХУСАНОВ, А.ДАВРОНОВ, Н.ЖЎРАЕВА.</b> Ўртача шўрланган тупроқларнинг сувли сўрим таҳлили натижалари.....	60
<b>Г.САЙДАЛИЕВА, И.ҲАСАНОВ, И.НОРҚОБИЛОВ.</b> Давлат шаҳарсозлик кадастрини юриштининг бугунги кун талаблари.....	61

#### МЕХАНИЗАЦИЯ

<b>М.ТО‘РАҚУЛОВ, V.ERMATOV, B.BATIROV, R.XUDAYBERDIYEV, K.AYNAQULOV.</b> Ko‘milgan tok tuplarini ochishda rotatsion ish organi joylashtirish sxemasini asoslash.....	63
<b>Э.ФАРМОНОВ, З.ШАРИПОВ, С.АЛИҚУЛОВ.</b> Республикамиз чўл ва яримчўл ҳудудларидаги шағалли ҳамда тошли ерларни экишга тайёрлаш қурилмаси.....	65
<b>И.ЭРГАШЕВ, Т.ХАЙИТОВ, А.БЕКНАЗАРОВ.</b> Ғўза қатор ораларига ғўздой экиш агрегатининг умумий қаршилигини ҳисоблаш.....	67
<b>Д.АЛИЖАНОВ, Ш.АБДУРОХМОНОВ, Ш.ТУРАЕВ.</b> Роторли дон майдалагични иқтисодий баҳолаш.....	69
<b>О‘.VAFOYEV, S.AHMEDOV, S.VAFOYEV, O.VAFOYEVA.</b> Charxpalakli generator.....	72
<b>А.ВАЛИЕВА.</b> Минорасимон иншоотлар ҳолатини кузатишнинг ўзига хослиги.....	73
<b>D.MAMATKULOV, S.JURAEV, B.KENJAYEV, J.RAXIMOV.</b> O‘zbekiston Respublikasida biogaz qurilmalaridan foydalanish istiqbollari.....	75
<b>И.ЭРГАШЕВ, Х.ПАРДАЕВ, А.ИСМАТОВ.</b> Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда ресурстежамкор уруғ экиш усули.....	76
<b>Э.ҒАНИБОЕВА, Р.ХУДАЙҚУЛОВ.</b> Мойларнинг эксплуатацион хоссаларини тиклаш учун қўшимчалар танлаш.....	77
<b>Р.БАРАТОВ, М.ИСОҚОВА.</b> Зиғир мойини экстракциялаш жараёнларини модернизациялаш усуллари.....	78

<b>А.УСМАНОВ, А.НИГМАТОВ.</b> Smart-включатель для управления заливкой насосного агрегата.....	80
<b>J.SHERBO‘TAYEV, B.TILABOV.</b> Yerga ishlov beruvchi qishloq xo‘jalik mashinalari quyma detallarini termik jihatdan puxta-mustahkam qilib ishlab chiqarishning yangi innovatsion texnologiyasi.....	82
<b>О.РАХМАТОВ, С.БАЙЗАКОВ, А.ЖАББОРОВ.</b> Разработка двухкамерной солнечно-топливной сушильной установки с регенерацией тепла отходящего воздуха.....	84
<b>И.СОДИКОВ, П.МУСЛИМОВА.</b> Влияние шумового загрязнения автомобильного транспорта на состояние окружающей среды урбанизированных территорий.....	86
<b>Б.УТЕПОВ, Т.ХАЙДАРОВ, Н.РАЖАБОВ.</b> Определение влияния параметров конусообразного обтекателя пневмодискового распылителя на аэродинамические характеристики вентиляторной установки.....	90

#### ИҚТИСОДИЁТ

<b>С.ТОЖИЕВ.</b> Кластерларнинг янги субсидия ва солиқ имтиёзларидан фойдаланиш йўллари.....	92
<b>С.БЕРДИҚУЛОВ.</b> Чорвачилик соҳасидаги инвестиция – иқтисодиётнинг муҳим драйвери.....	94
<b>Р.МУҲАММАДИЕВ.</b> Хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигининг муаммоли жиҳатлари.....	96
<b>Г.ПИРНАЗАРОВА.</b> Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари.....	97
<b>О.МУРТАЗАЕВ, О.МУЙДИНОВ.</b> Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда интенсив усулда балиқ етиштиришни жорий этишнинг дастлабки таҳлиллари назарий асослари.....	99
<b>U.BERDIMURODOV, A.BOROTOV.</b> Qishloq xo‘jaligida mavsumiy mehnat qilish davrini qisqartirish va mehnat unumdorligidan samarali foydalanish.....	101
<b>М.ХАМИДОВ, Б.МАТЯКУБОВ, Н.ГАДАЕВ, К.ИСАБАЕВ, И.УРАЗБЕВ.</b> Компьютер технологиялари асосида ғўзанинг гидромодуль районлар бўйича илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш.....	103
<b>Н.ЗУФАРОВА.</b> Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида олийгоҳлар бренд капиталини шакллантириш масалалари.....	106
<b>Б.УСПАНКУЛОВ, Н.ТАНГИРОВА.</b> Бино ва иншоотлар кадастрининг объектив ахборотларини яратиш.....	110
<b>I.AHMEDOV, K.ZIYADULLAEV, J.XUDOYBERDIEV.</b> Raqamli asrda sport marketingi.....	112
<b>H.ABASXANOVA, F.TOJIYEVA.</b> Raqamli texnologiyalardan agrar sohada qo‘llanishning afzalligi.....	116
<b>С.МАХМУДОВ, А.САЛИХОВ, Ш.ХАСАНОВ.</b> Развитие сельскохозяйственной сферы посредством привлечения инвестиций.....	118
<b>Ф.ХАМИДОВА.</b> Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари.....	119

# ЃЎЗАНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИГА ТАКРОРИЙ ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН НИТРАГИН ВА МИНЕРАЛ ЎЃИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Аннотация.** В статье приведены данные о влиянии доз азотных и минеральных удобрений, вносимых под повторные посевы бобовых культур, на толщину всходов хлопчатника и продолжительность периодов развития. Семена сои и совместимых соевых бобов обрабатываются нитрагином в течение двух лет перед посевом, что обеспечивает 10-процентную, 50-процентную зрелость 3 и 2-процентный более высокий доступ к поврежденной емкости.

**Annottaiion.** The article provides information on the effect of nitragin and mineral fertilizer rates applied on repeated legume crops on cotton seedling thickness and duration of development periods. Soya va mos ikkinlari urug'larini ikki oldingidan nitragin bilan ishlov berishlari g'ozu 50 foiz pishishlariga ham ijobiy zararlarini sog'ib, soya va mosh ikki ikkilarini urug'larini sog'ib, nitragin bilan ishlov berilmagan fonlarda kelgusi yil va g'o'zalangan imkoniyatlarga 10 foiz, 50 foiz pishish, 2 foizga yukori kirishini ta'minlaydi.

Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, 2:1 тизимларига такрорий экин сифатида мош ва оралиқ экин сифатида тритикаленинг киритилиши бир ротация давомида тупроқда гектарига 9-10 тонна миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдириб, келгуси йили экиладиган ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини яхшилайдди. Натижада пахта ҳосили 2,0-2,5 ц/га ортади [3].

Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитларида олиб борилган тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан бўшаган майдонларда парваришланган такрорий экин мошни минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{80}K_{60}$  кг/га меъёри билан озиклантирилган фонда келгуси йили ғўзани парваришlashда минерал ўғитларнинг  $N 160-200$ ,  $P100-140$ ,  $K75-100$  кг/га меъёрининг қўлланилиши 33,3-34,0 ц/га пахта ҳосили олишни таъминлаган [1].

Дуккакли-дон экинлари илдизиди яшовчи туганак бактериялари ёрдамида азот тўпланишида фосфорли ўғитларнинг аҳамияти юқори эканлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам фосфорли ўғитларнинг ушбу жараёнда тўлиқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида дуккакли-дон экинларини имкон қадар эрта муддатларда экиш, кўчат қалинликларининг мақбул меъёрларда сақланишига жиддий эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди [2].

Тадқиқотларимиз 2009-2012 йиллар мобайнида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар (собиқ Андижон қишлоқ хўжалиги) институтининг ўқув-тажриба участкаси далаларида олиб борилган бўлиб, қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза-ғалла) тизимида такрорий экин сифатида етиштирилайдиган дуккакли дон экинларида нитрагин ва минерал ўғитлар қўллашнинг ғўзанинг кўчат қалинлиги ва ривожланиш даврларига таъсири ўрганилган.

Тажрибада такрорий экин сифатида етиштирилган соя экини уруғларини экиш олдидан *Bradyrhizobium japonicum* SB 5, мош экини уруғларини *Phaseolus radiatus-148* штаммларидаги нитрагинлар билан ишлов берилган ва берилмаган фонларда маъдан ўғитларнинг қуйидаги ўғитсиз, РК 90:60, НРК 30:90:60, НРК 60:90:60 ва НРК 90:90:60 кг/га меъёрлари синаб кўрилди. Ғўза экинида минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилди. Тажириба даласининг тупроғи ўтлоқи бўз бўлиб, механик таркиби ўртача қумоқ, сизот сувлари 4-5 метр чуқурликда жойлашган, шўрланмаган.

Тажриба 3 далада олиб борилиб (вақт ва замонда), 18 вариантни ўз ичига олади. 3 такрорланишда ва вариантлар 1 та ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони 240 м<sup>2</sup>, шундан ҳисоблиси 120 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган дуккакли дон экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитлар қўллашнинг келгуси йили парваришланган ғўзанинг кўчат қалинлигига таъсир этганлиги кузатилади.

Амал даври бошида ғўзанинг яганадан кейинги кўчат қалинлиги 2011 йилда ўртача 103,2-104,3 минг/га ни ташкил этган бўлса, амал даврини охирида эса вариантларда кўчат сони 95,8-98,7 минг/га ни ташкил этди. Бу эса кўчат қалинлиги амал даври бошидаги миқдорга нисбатан 5,6-7,4 фоизга камайганлигини билдиради.

Тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда ғўзанинг амал даври бошидаги кўчат қалинлиги такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин берилмасдан уни ўғитсиз парвариш қилинган фонларида келгуси йили ғўза етиштирилган назорат вариантларида 101,5-102,2 минг/га ни ташкил этган бўлса, такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, уларни ўғитсиз парвариш қилинган фонларда келгуси йили ғўза етиштирилган 6 ва 15-вариантларида 102,8-102,4 минг/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

Ғўзани кўчат қалинлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, 103,8-104,2 минг/га ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги амал даврининг охирига бориб, вариантлар бўйича ўртача 5,5-6,7 минг/га камайганлиги аниқланди. Тадқиқотларнинг қолган йилларида ҳам ушбу қонуниятлар сақланиб қолди (1-жадвал).

Ғўзанинг 50 фоиз гуллаш суръатларига кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитларни турли меъёрларда қўлланилиши таъсир этганлиги аниқланди. 2011 йилда олинган маълумотларга қараганда, нитрагин билан ишлов берилган вариантларда кўчат қалинлиги таъсир этганлиги аниқланди.

мотларга қараганда, ғўза 50 фоиз гуллаш суръатлари соя ва мош экинлари уруғлари экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмасдан уни ўғитсиз парвариш қилинган фонларда келгуси йили ғўза етиштирилган назорат вариантларида 50,5-51,3 фоизни ташкил этган бўлса, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, уни ўғитсиз парвариш қилинган фонларда келгуси йили ғўза етиштирилган вариантларда эса 52,6-53,8 фоизга тенг бўлганлиги аниқланди.

варишланган вариантларга нисбатан ғўзага 50 фоиз гуллаш суръатлари 2,1-3,4 фоизгача юқори бўлишини таъминлади.

Ўзанинг 50 фоиз пишиш суръатларига ҳам кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов бериш ва минерал ўғитларнинг турли меъёрларда қўлланилиши таъсир этганлиги аниқланди. 2010 йилда олинган маълумотларга қараганда, ғўзани 50 фоиз пишиш суръатлари соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан

**Ўза ривожланиш даврининг давомийлигига такрорий дуккакли дон экинларида қўлланилган нитрагин ва минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири (2011 йил)**

№	Такрорий экин турлари	Такрорий экинларда қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га	Ўзанинг ривожланиш даврлари санаси			Ўзанинг 50% гуллаши 30.06.2011 й	Ўзанинг 50% пишиши 27.08.2011 й
			шона-лаш	гуллаш	пишиш		
1	Соя	Ўғитсиз	4.06	30.06	27.08	51,3	53,2
2		$P_{90}K_{60}$	4.06	29.06	26.08	53,1	54,9
3		$N_{30}P_{90}K_{60}$	3.06	28.06	25.08	56,4	57,3
4		$N_{60}P_{90}K_{60}$	2.06	27.06	24.08	58,6	59,8
5		$N_{90}P_{90}K_{60}$	2.06	27.06	26.08	57,7	59,1
6		Ўғитсиз+Нитрагин	3.06	28.06	25.08	53,8	55,0
7		$P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	2.06	27.06	24.08	56,2	57,6
8		$N_{30}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	1.06	26.06	23.08	59,0	60,2
9		$N_{60}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	2.06	27.06	24.08	58,3	59,0
10	Мош	Ўғитсиз	4.06	30.06	27.08	50,5	52,6
11		$P_{90}K_{60}$	3.06	28.06	26.08	52,2	54,1
12		$N_{30}P_{90}K_{60}$	3.06	28.06	25.08	55,5	56,4
13		$N_{60}P_{90}K_{60}$	2.06	27.06	24.08	57,4	59,0
14		$N_{90}P_{90}K_{60}$	2.06	27.06	24.08	56,3	58,3
15		Ўғитсиз+ Нитрагин	3.06	28.06	25.08	52,6	54,5
16		$P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	2.06	27.06	24.08	55,4	56,9
17		$N_{30}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	1.06	26.06	23.08	58,3	59,6
18		$N_{60}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	3.06	28.06	25.08	57,6	58,4

1-жадвал. нитрагин билан ишлов берилмасдан, уни ўғитсиз парвариш қилинган фонларда келгуси йили ғўза етиштирилган назорат вариантларида 52,6-53,2 фоизни ташкил этган бўлса, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, унинг ўғитсиз парвариш қилинган фонларида келгуси йили ғўза етиштирилган вариантларда эса 54,5-55,0 фоизга тенг бўлганлиги аниқланди.

Ўзанинг 50 фоиз пишиш суръатлари бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, 59,5-60,2 фоиз бўлганлиги кузатилган бўлса, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда эса 56,4-57,3 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Ўзага 50 фоиз гуллаш суръатлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, 58,3-59,0 фоиз бўлганлиги кузатилган бўлса, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда минерал ўғитларнинг  $N_{30}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган фонларда келгуси йили ғўза парвариш қилинган вариантларда эса 55,5-56,4 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Бундан кўришиб турибдики, соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши ғўзанинг 50 фоиз пишиш суръатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда келгуси йили ғўза парваришланган вариантларга нисбатан ғўзанинг 50 фоиз пишиш суръатлари 1,9-3,2 фоизгача юқори бўлишини таъминлади.

Бундан кўришиб турибдики, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилиши ғўза 50 фоиз гуллаш суръатларига ижобий таъсир кўрсатиб, соя ва мош экинлари уруғларига экиш олдидан нитрагин билан ишлов берилмаган фонларда келгуси йили ғўза пар-

**Абдували ИМИНОВ**, қ.х.ф.д.,  
ТошДАУ профессори,  
**Дилпуза ХОЛДАРОВА**, доцент, қ.х.ф.ф.д.,  
**Салимжон ХАТАМОВ**, доцент, қ.х.ф.ф.д.,  
**Дониёр ҒАНИЕВ**, катта ўқитувчи,  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзаев Л. – Такрорий экин — кунгабоқар ва мошнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири. // “Агро илм” — “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали иловаси. 2018. №4 [54]. Б. 17-18.
2. Ратнер Е.И. Питание растений и применение удобрений. М.: Наука, 1965. – 320 с.
3. Халиков Б.М. “Янги алмашлаб экиш тизимлари ва тупроқ унумдорлиги”. Тошкент, 2010. 118 б.

# СУСПЕНЗИЯ СИФАТИДА ЯНГИ СУЮҚ АЗОТЛИ ЎҒИТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛ САЛМОҒИ КЎПАЙИШИГА ТАЪСИРИ

*In the article influence of agrotechnical factors is examined from application of also liquid nitric fertilizer of "LACF" (liquid nitric calcium fertilizer) on perfection measures contributing prevention of falling cotton plant.*

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири этиб кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини оширишда хусусан ғўза парваришида юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда донатор минерал ўғитларга қўшимча равишда суюқ азотли ўғитлардан ҳам кенг фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Соҳа мутахассислари томонидан зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг замонавий агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилиб, уларнинг энг мақбуллари ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини пахтачилик соҳасида ғўза парваришида ўсишни созловчи моддалар ҳамда турли органик ва минерал ўғитларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиб, улардан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда юқори самарадорликка эришилган (Абдуалимов 2007, Тожиёв 2007; Тиллабеков ва бош. 2009).

Кейинги йилларда янги турдаги суюқ азотли ўғитларнинг ишлаб чиқиши натижасида уларни ғўза парваришида қўллашнинг пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини оширишдаги самарасини ўрганиш, борасида илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг энг мақбул қўллаш тизимларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим муаммолардан биридир.

Буларни инобатга олган ҳолда янги ишлаб чиқарилган суюқ азот-калцийли ўғит («САКЎ») ни Фарғона вилояти тупроқ-иклим шароитида ғўза парваришида суспензия сифатида қўллаш муддат ва меъёрларининг ғўза ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосил элементларининг сақланишига таъсирини аниқлаш мақсадида илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Ушбу йўналиш бўйича Фарғона политехника институти ҳамда ПСУЕАИТИ Фарғона илмий-тажриба станциясида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ишчи дастурлар, иш режалари тузилиб, дастлабки илмий изланишлар, лаборатория ва дала тажрибаси таҳлиллари олиб борилди.

Лаборатория шароитида асосан, тажриба майдони тупроғининг ялли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорлари, ўсимликдаги NPK миқдорлари, фотосинтез соф маҳсулдорлиги каби кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Дала шароитида эса ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг тўкилиши бўйича фенологик кузатувлар ўтказилди.

Тажриба тизими бўйича ҳар бир вариантлар 4 қаторли, қатор оралиғи 90 см, эни 3,6 м, бўйи 30 м, майдони 108 м<sup>2</sup> бўлиб, 3 қайтариқда жами 2916 м<sup>2</sup> майдонда жойлаштирилди.

Тажрибада кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ЎзПИТИ услубий қўлланмаси (2007) асосида олиб борилди. Шунингдек, суюқ азотли ўғитларни ишлатиш даврида «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни

синаш бўйича услубий кўрсатмалар» (Тошкент, 1994) дан фойдаланилди.

2014 йилда дала тажриба майдонида барча агротехник тадбирлар Фарғона илмий-тажриба станцияси хўжалигида қабул қилинган агротехник тадбирлар асосида ўтказилди.

Яъни, амал даврида 1 марта яганалаш, 2 марта чопиқ, 4 марта қатор орасига ишлов бериш, 3 марта сўғориш, 3 марта озиклантириш, 2 марта қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши кураш ва 1 марта ўрганилаётган суюқ азотли ўғитлар билан ишлов бериш тадбирлари ўтказилди.

Дала тажрибасида назорат ишлов берилмаган ҳамда андоза вариант сифатида тавсия этилган суспензия карбамидни 7 кг/га меъёри ва янги ўрганилаётган суюқ азот-кальцийли «САКЎ» ўғитини 5-10-15-20 л/га меъёрлари билан ғўзани шоналаш-гуллаш даврида ишлов беришнинг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири вариантлар бўйича ўсимликларда фенологик кузатувлар олиб бориш орқали ўрганилди.

Ўзанинг шоналаш даврида баргидан суюқ азот-кальцийли («САКЎ») ўғити билан ишлов бериш ишлари 16 июн куни амалга оширилди.

Тажриба вариантларида белгиланган тартибда суспензия (карбамид) 7 кг/га, «САКЎ» 5-10-15-20 л/га меъёрларда гектарига 300 литр сув ҳисобида ишчи эритма тайёрланиб сепилди.

Изланишлар давомида олиб борилган кузатувларда олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, ўсимлик ҳосил элементларининг сақланишида уни баргидан озиклантириш орқали жуда катта ижобий натижаларга эришилганлигини кўриш мумкин.

Бунда 15 июл ҳолатидаги кузатувларга эътибор берилганда, ғўзадаги шоналар сони назорат вариантда 10,1 донани ташкил этган бўлса, «САКЎ» ўғити қўлланилган вариантларда 11,1-14,3 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан шоналар сони 1,0-4,2 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди. Кўсақлар сонида ҳам назоратда 3,3 дона бўлиб, «САКЎ» ўғити қўлланилган вариантларда 4,8-5,7 донани ташкил этиб, яъни назоратга нисбатан 1,5-2,4 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларининг ғўзада ҳосил элементларини сақлашига таъсири 10.09.2014 йил ўрганилганда, назорат вариантда жами 33,1 дона ҳосил элементлари борлиги аниқланган бўлса, шундан 68,3% қисми тўкилиб, 10,5 донаси қолган, САКЎ ўғити қўлланилганда жами 34,1-36,5 дона ҳосил элементлари пайдо бўлиб, (бу кўрсаткич, ҳатто, назоратникидан 1,0-3,4 дона кўпроқдир) шундан 12,6-13,9 донаси сақланиб 61,9-63,7% қисми тўкилган, бу охири кўрсаткич назоратдан 6,4% га ёки сақланганлари 3,4 донага кўпроқдир.

Яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтишни лозим топдики, бизни кузатувларда ғўзанинг амал даври охирида пахтанинг 30% қисми очилганда аниқланди. Шунинг учун бундан кейин яна ҳосил элементларининг тўкилиши кузатилмади.

Тажрибаларда назорат ва андоза сифатида карбамид қўлланилган бўлиб, карбамид асосидаги суспензияларга нис-

**Суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларининг ғўзада ҳосил элементларини сақлашига таъсири**  
**10.09.2014 йил**

Т/р	Тажриба вариантлари	Ҳосил элементларининг тури ва сони, дон					Ҳосил элементлари сони, дон			
		Очилган пахта	Кўсак	Шона	Гул	Тўкилгани	Жами	Сақлангани	Тўкилгани %.	
1	Назорат	5,9	2,9	2,4	0,6	22,6	33,1	10,5	68,3	
2	Суспензия (карбомид)	6,1	3,0	2,3	0,7	22,5	34,6	12,1	65,0	
3	САКЎ	7,0	3,0	2,5	0,9	22,5	35,9	13,4	62,7	
4	САКЎ	6,9	3,8	2,4	0,8	22,6	36,5	13,9	61,9	
5	САКЎ	7,0	2,4	2,3	0,9	21,5	34,1	12,6	63,0	
6	САКЎ	6,5	3,1	2,4	0,8	22,5	35,3	12,8	63,7	

батан САКУ ўғитининг самарадорлиги аниқланганда, ғўзанинг гуллаш даврларида суспензия сифатида қўлланилганда очилган кўсақлар сони 6,1 донани, кўсақлар 3,0; шоналар 2,3; гуллар 0,7; сақланган ҳосил элементлари 12,1 донани жами эса 34,6 донани ташкил этиб, шулардан 22,5 донани ёки 65,0% қисми тўкилганлиги аниқланган.

Демак, ғўзани баргидан озиклантириш мақсадида ҳозирги кунда фермер хўжаликларида карбомид ўғити асосидаги суспензиялар ҳам ғўза ҳосил элементларининг сақланишига мақбул таъсири борлиги аниқланди.

САКЎ ўғити қўлланилган 3-4 вариантларда 5 л/т меъёри ғўзанинг шоналаш ва 10 л/га меъёри гуллаш даврларида суспензия сифатида қўлланилганда ғўза тупидаги жами 35,9-36,5 та ҳосил элементларида 13,4-13,9 донани сақланган ҳолда 22,5-22,6 донани ёки 61,9-62,7% қисми тўкилиб кетганлиги кузатишди. Бу кўрсаткичлар назоратдан яхшироқ, тўкилган фоизи 5,6-6,4% га камроқ, ҳатто, карбомид асосидаги таъсиридан ҳам 1,3-2,0% га камроқ тўкилган.

САКЎ ўғитининг ҳам таркиби асосини азот ташкил этади, лекин унда яъни сувда эрийдиган кальцийни борлиги нисбатан самарадорлигини оширган. Бу ўғитни меъёри 10 л/га ва 15 л/га меъёрга оширилганда ғўза ҳосил элементларининг тўкилиши 5 л/га ва 10 л/га меъёрига нисбатан 2,0% га кўпайганлиги кузатишди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, "САКЎ" суюқ азот-кальцийли ўғитини ғўзанинг шоналаш даврида 5 л/га меъёрида ва гуллаш мева тугиш даврида 10 л/га меъёрида ишлов берилса, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига, ҳосил элементларининг қўшимча 5,3-6,4% кўпроқ сақланишига мақбул таъсир кўрсатиб, пахта ҳосил салмоғини сезиларли даражада оширганлиги учун уни ишлаб чиқаришда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ғўза парваришида кенг майдонларда қўллашни тавсия этамиз.

**Қахрамонжон ДАВРОНОВ, қ.х.ф.д. доцент,**  
**Барчиной УМАРҚУЛОВА, ассистент,**  
*Фаргона политехника институти.*

**АДАБИЁТЛАР**

1. Абдуалимов Ш.Ҳ. Ғўзанинг униб чиқиш, ўсиш ва ривожланишини фаоллаштирувчи Оксигумат дорисини қўллаш натижалари. Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар Тошкент, 2004 йил, 112-115 б.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
3. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синанг бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент, 1994, 102 б.
4. Тиллабеков Б.Х., Ўразматов Н., Сиддиқова Д., Каримов Ш., Нурматов А., Хаитбоев Х. Маъдан ўғитлардан тайёрланган суспензияларни ғўза навларида барг орқали қўллашнинг самарадорлиги. Пахтачиликда долзарб масалалари. Тошкент. 2009 й. 336-308 б.

УЎТ: 633.18:631.5:631.6:631.

ҒАЛЛАЧИЛИК

## ШОЛИ ДОНИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

***Аннотация.** В статье освещены продукты получаемых от растений риса, народное значение, технический и химический состав риса, влияние агротехнических мероприятий во время вегетации растений на качество семян риса.*

***Annotation.** This article describes the importance of rice products in the national economy, the technical parameters of rice and the chemical composition, the impact of agro-technical measures used during the vegetation of the plant on the quality of rice grains.*

Мамлакатимизнинг табиий бойликлари, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, самарадорлигини кескин ошириш йўналишида бугунги кунда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга раванқ топиб бормоқда. Бу жараёнда Юртбошимиз раҳбарлигида соҳага бозор муносабатларининг кенг жорий этилаётгани, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасининг ривожланаётгани, соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг замонавий механизмлари ҳаётга жадал татбиқ этилаётгани эришилаётган юксак натижаларда муҳим омил бўлмоқда. [1]

Аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда ғаллачилик соҳасини ривожлантиришга, дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз аҳоли сонининг ортиб бориши билан бир қаторда аҳолининг гуруч ва гуруч маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб, республикада шולי етиштириш майдонларини кўпайтириш ҳамда шולי донидан қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотлар ҳажмини оширишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4973 сон қарори билан шולי етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шולי етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. [2]

Қишлоқ хўжалигида шолени етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари бўлганлиги учун уни парваришлаш бироз мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки шולי дала юзасини тўлиқ сув бостиришни талаб қиладиган ягона экин тури ҳисобланади. [4]

Шоли иссиқ ва намсевар ўсимликдир. Биронта ўсимлик йўқки, у шולי сингари хилма-хил табиий шароитда ва турлича усулларда етиштирилса. Шоли бўзтупроқли ботқоқ ерларда, ўтлоқи-ботқоқ, шўрхоқ тупроқларда, хуллас, механик таркибига кўра оғир гил тупроқ ва энгил қумлоқ тупроқларда ҳам ўсиб бераверади. [3]

Шолидан асосан гуруч олинади. Гуруч дунё халқларининг учдан бир қисмининг асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Шолига технологик ишлов бериш жараёнида донда биологик ўзгаришлар рўй беради. Гуруч тайёрлашда шоленинг қобиғи, алейрон қавати ва қисман муртаги олиб ташланади. [7]

Шолининг ҳосилини кўтариш билан бирга унинг сифатига ҳам аҳамият бериш керак. Гуруч сифатига вегетация даври ва фойдали ҳаво ҳарорати йиғиндиси таъсир этади. Гуруч инсон организми учун юқори каллориялиги ва тез ҳазм бўлиши билан ажралиб туради. Гуруч таркибида 75,2% карбон сувлари (асосан крахмал), 7,7% оқсил, 0,4% мой, 2,2% тўқима, 0,5% кул моддалари ва 14% сув мавжуд. Гуручдан тайёрланадиган овқат жуда тез ҳазм бўлади ва тўлиқ ўзлашади. Гуручнинг ўзлаштирилиш коэффициентини 96%, каллориялиги 3594 тенг. Гуручнинг майдаси-оқушоғидан спирт, ароқнинг алоҳида тури

(саке), пиво тайёрланади ва крахмал олинади. Гуруч крахмали тиббиётда, тўқимачилик саноати, парфюмерия, тиббиёт соҳасида кўп ишлатилади. [5;8]

Шоли навларининг пазандалик ва технологик хусусиятига эга бўладиган объектив кўрсаткичлардан бири, дондаги амилоза модда миқдори. Ҳар хил ўсимликда крахмал миқдориди 10-30% амилоза ва 70-80% амилопектин бор эканлиги аниқланган. Донининг шишасимонлиги юқори ва вегетация даври узунроқ бўлган шולי нав намуналарда амилоза миқдори кўп бўлади. [3;6;7]

Шолидан олинаётган гуруч маҳсулотларининг дунё бозорида тутган ўрни беқиёс. Инсонларнинг кунлик озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Гуручнинг техник кўрсаткичлари (гуруч чиқиши, бутун гуруч чиқиши, шишасимонлиги, қобиқлиги) ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Гуруч шишасимонлигининг юқорилиги ундан олинаётган маҳсулотлар — гуруч уни ва ёрмасининг рангидан билиш, оқ рангли, ёрқин ва тиниқ тусда бўлиши билан ажратиш мумкин. Гуруч таркибида оқсил моддасининг кўп бўлиши шишасимонлигини камайтирса, крахмал моддасининг кўп бўлиши унинг акси бўлади. [8]

Шоли донидан бутун гуруч кўп чиқиши экиш муддатларига ва экиш меъёрларига боғлиқ бўлади. Сабаби, шולי иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун ташқи муҳитдан қанчалик кўп иссиқликни, ёруғликни олса, ўсув даврини тўла ўтаса, минерал ўғитлар билан фазаларга мослаб озиқлантирилса, унинг шишасимонлиги ортади, натижада агротехник жараён-

1-жадвал.

#### Экиш муддатлари ва меъёрларининг гуручнинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири, 2019-2021 й

Экиш муддати ва меъёри	Экиш меъёри млн. дона /га,кг	Гуруч чиқиши, %	Бутун гуруч чиқиши, %	Шишасимонлиги, %	Қобиқлиги, %
<b>«Искандар»</b>					
5 май	4 млн/120	70,4	90,8	93,9	17,4
	5 млн/150	71,2	91,9	93,5	17,6
	6 млн/180	71,5	92,2	91,8	18,1
15 май	4 млн/120	70,8	91,2	92,9	17,5
	5 млн/150	71,1	91,7	91,5	17,5
	6 млн/180	70,7	92,0	90,3	17,8
25 май	4 млн/120	70,9	92,3	92,2	16,9
	5 млн/150	71,5	93,1	91,5	16,9
	6 млн/180	70,9	93,0	90,1	18,0
5 июнь	4 млн/120	68,4	88,3	89,4	16,1
	5 млн/150	67,0	88,1	88,5	16,7
	6 млн/180	65,9	89,5	86,7	17,1
<b>Илғор</b>					
5 май	4 млн/120	69,7	89,8	92,8	17,5
	5 млн/150	69,1	90,3	92,0	17,5
	6 млн/180	68,9	89,5	91,5	18,2
15 май	4 млн/120	69,5	90,0	91,5	17,2
	5 млн/150	69,9	90,4	90,7	17,6
	6 млн/180	68,7	90,3	89,5	18,4
25 май	4 млн/120	69,2	90,3	91,1	17,4
	5 млн/150	69,8	91,9	90,3	17,6
	6 млн/180	68,7	91,0	89,4	18,1
5 июнь	4 млн/120	67,0	87,5	87,9	16,8
	5 млн/150	65,5	86,7	86,3	16,8
	6 млн/180	64,9	86,7	86,2	16,9

ларга (комбайнда ўриб-йиғштириш, қуришиш майдонларига, техникада ташиш, тегирмонда қуришиш) чидамлилиги ортиб, гуручнинг техник кўрсаткичлари юқори даражада сифатли бўлади.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти тажриба далаларида ўртапишар “Искандар” шоли навининг техник сифат кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, янги районлаштирилган “Искандар” шоли навининг техник сифат кўрсаткичлари назоратга нисбатан 3,6-4,5% юқори эканлиги тажрибада аниқланди. Навлараро таққослаганимизда, “Искандар” навининг техник сифат кўрсаткичлари юқори бўлди. Экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича солиштирсак, 5 май муддатида 4 млн. дона/га (120 кг) унувчан уруғ экилган вариантда навлар бўйича шишасимонлиги энг юқори “Искандар” 93,9%, “Илғор” 92,8% ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич 5 июнь муддатида 6 млн. дона/га (180 кг) экилган вариантда “Искандар” 86,7%, “Илғор” 86,2% шишасимонлик даражасини кўрсатди. Ўсимлик ривожланишида қанчалик эрта муддатларда экилиб, вегетация даврини тўлиқ ўтаса, танасига иссиқликдан, ёруғликдан кўп сингдирса, гуручнинг шишасимонлиги шунча юқори бўлиши тажрибада аниқланди.

Бутун гуруч чиқиши эса экиш меъёрларига боғлиқ бўлиб, қанчалик сийрак экилса, шунча тулланиш юқори бўлади, шу-

нинг ҳисобига асосий поядаги рўвак донидан ён шохлардаги рўвак дони майдароқ бўлади.

Бутун гуруч чиқишида энг яхши кўрсаткич 25 май муддатида 6 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда “Искандар” навида 93,1%, 15 май 6 млн. дона/га (180 кг) унувчан уруғ экилган вариантда “Илғор” навида 91,9% ни ташкил этди.

Олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, янги яратилган шоли навларининг техник кўрсаткичлари назоратга нисбатан бутун гуруч чиқиши 2,6-3,3%, шишасимонлиги 3,6-4,5% кўп бўлганлиги аниқланди.

Демак, ҳар бир янги яратилган эрта, ўрта ва кечпишар шоли навларини мақбул экиш муддатлари ва меъёрларига ҳамда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, шоли етиштиришнинг агротехник тадбирлари белгиланса, юқори техник сифат кўрсаткичларга эга мўл ҳосил олишга эришилади.

**Чўлпоной ҚАШҚАБОЕВА,**

*қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,*

**Бекзод РАВШАНОВ,**

*кичик илмий ходим,*

**Акбар ХАЛБАЕВ,**

**Камола ҚАЮМОВА,**

*таянч докторантлар,*

*Шоличилик илмий-тадқиқот институти.*

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон халқига янги йил табриги.” “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали. 2022 йил 1-сон, 1-2-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4973-сон қарори.
3. Зелинский Г.Л. Морфо-биологическое обоснование агротехники риса. Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета (Научный журнал КубГАУ. 2012.-№03(077). С.-1158-1193
4. Шеуджен А.Х., Т.Н.Бандарева, Г.А.Галкин и др. Физиологии риса. Майкоп: ОАО «Полиграф-Юг», 2011. С.-300
5. Шиловский В.Н. Изменчивость признаков селекционного материала риса в зависимости от норм посева семян / В.Н. Шиловский, В.Я. Рубан. Рисоводство. 2005.- Куб.- С. -66-69
6. [tps:agronomysector.ru](https://agronomysector.ru)
7. [Agronomiy.ru /ris ... risa ... risa. html](http://Agronomiy.ru/ris...risa...risa.html)
8. [Agrotexnology.com/intensivnaya/...](http://Agrotexnology.com/intensivnaya/)

УЎТ: 633.18/631.17

## ШОЛИ НАВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТУРЛИ СУВ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада шоли “Гулжаҳон”, “Искандар”, “Илғор”, “Лазурный”, “Мустақиллик” навларининг турли сув қалинликларида 5; 10; 15 ва 20 см. ўрганилганда кечпишар “Лазурный” шоли навида бошқа навларга нисбатан сифат кўрсаткичлари маълумотларда баён этилган.

**Аннотация.** В данной статье изучены сорта риса “Гулжаҳон”, “Искандар”, “Илғор”, “Лазурный”, “Мустақиллик” выращенные при различной толщине воды - 5; 10; 15 и 20 см. Высокие показатели качества семян и продуктивности наблюдались у позднеспелого сорта «Лазурный» в варианте с толщиной воды 15 см.

**Annotation.** In this article, rice varieties “Gulzhakhon”, “Iskandar”, “Ilgor”, “Azure”, “Mustakillik” grown at different water thickness - 5; ten; 15 and 20 cm. High indicators of seed quality and productivity were observed in the late-ripening variety “Lazurny” in the variant with a water thickness of 15 cm.

**Мавзунинг долзарблиги.** Шоли етиштиришда суғориш сувидан самарали фойдаланиш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда илғор, ресурстежамкор, инновацион агротехно-

логияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларида ўртача гектарига 14-16 минг м<sup>3</sup>, республикамизда эса тупроқ-иқлим шароитлари ва шоли навларининг боғлиқ

ҳолда гектарига ўртача 16-21 минг м<sup>3</sup> сув сарфланмоқда. Шу боис, суғоришда сув миқдорини камайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Аҳолининг шולי маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда республикамизда 129,4 минг гектар майдонда 611130 тонна шולי етиштирилмоқда. Шолидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шולי етиштириш учун сарфланадиган сув миқдорини камайтириш техника ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерлар ва сув манбаларидан самарали, оқилон фойдаланиш, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос шולי навларини яратиш, танлаш ва ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш” 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда [2]. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ҳ.Н.Отабоева ва Б.М.Ҳолиқов (2003) ларнинг таъкидлашича, шולי бошқа дон маҳсулотларидан ўзида жуда кўп крахмал ва оз миқдорда оқсил борлиги билан кескин фарқланади. Илмий маълумотлар бўйича гуруч 76,1% крахмал, 2,6% оқсил, 3,9% қанд, 1,8% декстрин, 1% ёғ, 1,4% зола ва 0,2% клетчаткадан иборат ва ушбу таркиб бўйича энг муҳим парҳез озиқ-овқат ҳисобланади [3].

Чет эл олимлари Chuan Chi Linнинг (2005) таъкидлашича, шולי навларини технологик хусусиятига эга бўладиган объектив кўрсаткичларидан бири, дондаги амилоза модда миқдори ҳисобланади. Шולי ўсимликларида 15-35% амилоза миқдори борлиги кўп илмий манбаларда таъкидлаб ўтилган. Доннинг таркибида амилоза миқдори қанча кўп бўлса шишасимонлиги юқори бўлади [4].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Шולי етиштиришда шолিপоядаги турли сув қалинликларининг эртапишар “Гулжаҳон” ўртапишар “Илғор”, “Искандар” ва кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурный” шולי навларини экиб, турли 5, 10, 15 ва 20 см сув қалинликларида шולי ҳосилдорлиги ва донидаги амилоза, крахмал ва оқсил миқдорларига таъсирини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот услублари.** “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [5], “Методика полевых опытов” (Б.А.Доспехов, 1985) [6] ҳамда гуручнинг шишасимонлиги ГОСТ 10987-76 [7], гуруч чикими ва бутун гуруч миқдори ГОСТ ISO 6646-2013 [8] каби услубий қўлланмалар асосида аниқланган.

**Тадқиқот натижалари.** Турли сув қалинликларида 5; 10; 15 ва 20 см да шולי донида амилоза, крахмал ва оқсил миқдорларининг таъсири ўрганилганда 5 см сув қалинлигида

шолининг эртапишар “Гулжаҳон” навида амилоза 17,9%, крахмал 68,9%, оқсил 8,6% ни, ташкил қилган бўлса, 10 см сув қалинлигида амилоза 18,9%, крахмал 69,0%, оқсил 9,0% бўлди. 15 см сув қалинлигида амилоза 19,0%, крахмал 69,3%, оқсил 9,3% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилоза 19,0%, крахмал 69,1%, оқсил 9,6% ташкил қилди. 5 см сув қалинлиги-да шолининг ўртапишар “Илғор” навида амилоза 17,9%, крахмал 69,2%, оқсил 8,9% ни ташкил қилган бўлса, 10 см сув қалинлигида амилоза 19,0%, крахмал 69,6%, оқсил 9,3% бўлди. 15 см сув қалинлигида амилоза 19,2%, крахмал 70,4%, оқсил 9,6% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилоза 19,1%, крахмал 69,9%, оқсил 9,6% ни ташкил қилди. 5 см сув қалинлигида шолининг “Искандар” навида амилоза 18,6%, крахмал 69,9%, оқсил 9,9% ни ташкил қилган бўлса, 10 см сув қалинлигида амилоза 19,2%, крахмал 70,8%, оқсил 9,9% бўлди. 15 см сув қалинлигида амилоза 19,1%, крахмал 70,9%, оқсил 9,9% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилоза 19,1%, крахмал 70,7%, оқсил 9,6% ташкил қилди. 5 см сув қалинлигида шолининг кечпишар “Лазурный” навида амилоза 20,9%, крахмал 68,6%, оқсил 10,6% ни ташкил қилган бўлса, 10 см сув қалинлигида амилоза 21,4%, крахмал 69,9%, оқсил 11,2% бўлди. 15 см сув қалинлигида эса амилоза 21,4%, крахмал 70,3%, оқсил 11,2% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилоза 21,3%, крахмал 70,0%, оқсил 11,2% ташкил қилди. 5 см сув қалинлигида шолининг кечпишар “Мустақиллик” навида амилоза 20,2%, крахмал 69,8%, оқсил 9,6% ни ташкил қилган бўлса, 10 см сув қалинлигида амилоза 20,8%, крахмал 70,7%, оқсил 9,9% бўлди.

1-жадвал.

Турли сув қалинликларда шолининг дони, амилоза, крахмал ва оқсил миқдорлари, %

Навлар	Турли сув қалинлигининг, см ва таркиб миқдорлари, %											
	5 см			10 см			15 см			20 см		
	амилоза	крахмал	оқсил	амилоза	крахмал	оқсил	амилоза	крахмал	оқсил	амилоза	крахмал	оқсил
“Гулжаҳон”	17,9	68,9	8,6	18,9	69,0	9,0	19,0	69,3	9,3	19,0	69,1	9,6
“Илғор”	17,9	69,2	8,9	19,0	69,6	9,3	19,2	70,4	9,6	19,1	69,9	9,6
“Искандар”	18,6	69,9	9,9	19,2	70,8	9,9	19,1	70,9	9,9	19,1	70,7	9,6
“Лазурный”	20,9	68,6	10,6	21,4	69,9	11,2	21,4	70,3	11,2	21,3	70,9	11,2
“Мустақиллик”	20,2	69,8	9,6	20,8	70,9	9,9	21,0	70,9	10,3	20,9	70,9	9,9

15 см сув қалинлигида амилоза 21,0%, крахмал 70,9%, оқсил 10,3% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилоза 20,9%, крахмал 70,9%, оқсил 9,9% ташкил қилди.

**Хулосалар ва тақлифлар.** Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, турли сув қалинликларида эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар”, ва кечпишар “Лазурный”, “Мустақиллик”, шולי навлари ўрганилганда барча шולי навларига нисбатан кечпишар шולי “Мустақиллик” навида оқсил 10,3%, крахмал 70,9%, амилоза 21,0% миқдорларини ташкил этди. Ўртапишар “Илғор” шולי навининг амилоза 19,2%, крахмал 70,4%, оқсил 9,6% ни миқдорларини ташкил этган ҳолда энг юқори кўрсаткич шу вариантда бўлганлиги аниқланди. Кечпишар шולי навлари орасида техник ва сифат кўрсаткичлари “Лазурный” навида бошқа навларга нисбатан амилоза 21,4% крахмал 70,3%, оқсил миқдорлари 11,2% юқори бўлиши кузатилди. Шולי навларини ўсиши ва ривожланиши жараёнида гуруч таркибида сифат кўрсаткичлари сув қалинлиги таъсири туфайли ўсиши

қайд этилган ва энг юқори натижа шолининг “Лазурный” на-  
вида 15 см ли сув қалинлигида амилоза 21,4%; крахмал 69,9  
ва оқсил 11,2% ташкил қилди.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ **тупроқлари** шароити-  
да юқори ва сифатли шולי ҳосили етиштириш ҳамда юқори

иқтисодий самарадорликка эришиш учун “Лазурный” шולי нав-  
ларини экиб, 15 см сув қалинлигида суғориш тавсия этилади.

**Юлдузой ХОЖАМКУЛОВА**, қ.х.ф.ф.д. (PhD),  
Для измерения шумовых характеристик транспортного потока, а также оценки влияния параметров транспортных потоков на уровень шума, необходимо произвести натурные обследования проблемных участков улично- дорожной сети, так как они являются наиболее эффективным методом анализа ситуации на дорогах. Натурные исследования заключаются в фиксации конкретных условий и показателей дорожного движения, фактически происходящего в течение заданного периода времени. Эта группа методов в настоящее время наиболее распространена и отличается большим многообразием. Натурные исследования являются единственным способом получения достоверной информации о состоянии дорог и позволяют дать точную характеристику существующих транспортных и пешеходных потоков [8 с. 139-150].

Согласно межгосударственному стандарту ГОСТ 20444-2014 «Шум. Транспортные потоки. Методы определения шумовой характеристики» при измерении шумовых характеристик транспортного потока целесообразно одновременно определять его интенсивность и скорость движения [9 с.11].

Транспортный шум относится к колеблющемуся шуму (уровень звука которого непрерывно изменяется во времени). Поэтому для характеристики колеблющегося во времени шума рекомендуется использовать величину эквивалентного уровня звука  $L_{экв}$ . Эквивалентный (по энергии) уровень звука представляет собой значение уровня звука постоянного источника шума, который в пределах регламентируемого интервала времени имеет то же самое среднеквадратическое значение уровня звука, что и рассматриваемый непостоянный шум, уровень звука которого изменяется во времени. По спектральному составу транспортный шум является низко- и среднечастотным и способен распространяться на значительные расстояния от источника. Измерение эквивалентного уровня звука следует проводить интегрирующими- усредняющими шумомерами 1-го или 2-го класса, соответствующими ГОСТ 17187.

Для оценки шума одним числом, учитывающим субъективную оценку его человеком, широко используется «уровень звука» (в дБА) – общий (отнесенный ко всем полосам частот) уровень звукового давления, скорректированный по кривой

частотной коррекции «А», характеризующей приближенно частотную характеристику восприятия шума человеческим ухом.




Рис.1 – Натурные обследования

Натурные исследования распределения шумового загрязнения от автотранспорта проводились в городе Ташкенте на улице Ферганская – одном из самых загруженных участков улично-дорожной сети (рис. 1). Для этих целей использовался шумомер 1 класса по ГОСТ 17187-2010, МЭК 60651/60804 и МЭК 61672-1 - ОКТАВА-110А.

Результаты обследования показали, что измеренный уровень звука значительно превышает предельно допустимый (55 дБА) при любых измеренных значениях интенсивности потока и расстояния от дороги (таблица 1,2).

В результате проведенного корреляционного анализа был сделан вывод, что при текущих параметрах транспортного потока (высокой интенсивности движения со значительным преобладанием в структуре транспортного потока легковых автомобилей) на эквивалентный уровень звука оказывает влияние общее количество автомобилей, тогда как влияние отдельных групп автомобилей (грузовых, автобусов и микроавтобусов и других видов) незначительное (таблица 3).

Для определения аналитического вида зависимости уровня звука от интенсивности движения был проведен регрессионный анализ. В результате анализа была найдена регрессионная функция  $y(x) = 76 - 3.1 \log_2 x - 0,5802$  где  $Y(X)$  – значение эквивалентного уровня звука,  $X$  – общее

число автомобилей, проезжающих в течение 2 минут, для которой коэффициент детерминации (рисунок 2). Таким образом, регрессионная функция достаточно точно описывает зависимость эквивалентного уровня звука от числа автомобилей.

Таблица 1.

Результаты измерений шумовых характеристик при различной интенсивности автотранспортного потока

Общее количество автомобилей	Из них					Эквив. уровень звука, дБА	Условия измерений
	Легковые	Грузовые	Автобусы	Микро-Автобусы	Другие		
60	54	2	3	1	0	66,14	t окр = 3 °C V ветра = 1 м/с Продолжительность измерений = 2 мин Скорость потока = 60 км/ч Расстояние от дороги = 7,5 м
73	68	1	3	1	0	64,99	
89	82	2	2	3	0	64,35	
100	93	2	1	4	0	64,56	
40	38	1	1	0	0	58,22	
133	127	3	2	1	0	65,06	
143	135	5	2	1	0	64,41	
160	155	1	2	2	1	68,00	
170	166	3	1	0	0	70,79	
183	177	2	2	2	2	73,74	
193	184	5	1	3	0	71,09	
207	201	3	2	1	1	71,54	

Таблица 2.


Результаты измерений шумовых характеристик при различном расстоянии от дороги

Расстояние от дороги	Эквивалентный уровень звука дБА	Максимальный уровень звука дБА	Минимальный уровень звука дБА	Условия измерений
0	79,9	83,1	78,4	t окр = 3°C V ветра = 1 м/с Продолжительность измерений = 2 мин Скорость потока = 60 км/ч Расстояние от дороги = 7,5 м
2	78,5	78,8	73,1	
5	77,2	78,3	73,0	
8	74,2	74,4	71,7	
10	72,0	74,2	71,5	
15	68,8	70,6	68,3	
20	67,8	68,2	67,5	
25	66,1	66,6	65,3	

Таблица 3.

Зависимость эквивалентного уровня звука от количества и состава транспортного потока

Факторы	Зависимость эквивалентного уровня звука от факторов (значение коэффициента корреляции)
Кол-во автомобилей	0,854
Кол-во легковых автомобилей	0,853
Кол-во грузовых автомобилей	0,324
Кол-во автобусов	0,082
Кол-во микроавтобусов	0,152
Кол-во других видов транспорта	0,03



■  $y(x) = 76 - 3.1 \log_2 x$

■  $y(x) = 55$

$L = 76 - 3.1 \log_2 l$

$y$  - экв УШ

$x$  - расстояния ( м )

ПДУ  $y=55$  дБА

Рис. 2 – Зависимость уровня звука от числа автомобилей. Регрессионная функция зависимости эквивалентного уровня звука от расстояния до автодороги (источника шума) имеет вид:  $y(x) = 76 - 3.1 \log_2 x - 0,5802 \cdot y$  где  $y(x)$  – значение эквивалентного уровня звука,  $X$  – расстояние до источника шума. Коэффициент детерминации  $y(x)=55$  (рисунок 3). Таким образом, в интервале от 0 до 41 м уровень звука превышает предельно допустимое значение, и нахождение в этом интервале может оказывать негативные последствия на здоровье человека.

Для защиты от шума могут применяться следующие основные методы:

Технические – устранение причин шумообразования или ослабление его в источнике возникновения;

Планировочные – снижение уровня шума по пути его распространения;

Организационные или административные.

Наиболее радикальными и затратными являются технические меры, которые направлены на источники шума. Однако эффективность мероприятий по снижению шума эксплуатируемых автомобилей довольно мала. Снижения или устранения шума в источнике следует добиваться, прежде всего, в процессе проектирования.

Снижению шума в городе должно способствовать создание малошумных средств транспорта, таких, как электромобили, автомобили с гибридными двигателями, высокоэффективными глушителями и дожигателями газов. Однако автомобильная промышленность не может быть перестроена в короткие сроки для производства новых видов транспорта. Малошумные автомобили или электромобили не смогут заменить весь парк современных автомобилей. Поэтому в борьбе с

городским транспортным шумом следует использовать в первую очередь средства архитектурно-планировочного, строительного и организационного характера.

Уменьшение уровней шумов, проникающих в помещения от внешних источников, должно обеспечиваться рациональной планировкой помещения, соблюдением мероприятий по звукоизоляции ограждающих конструкций (стен, потолка и пола), санитарно-технического и инженерного оборудования зданий.

Защита территории жилой застройки от транспортных шумов должна осуществляться рациональными градостроительными средствами. В этом случае средствами защиты от городских шумов являются расстояние, применение искусственных экранирующих средств и растений.

С целью снижения отрицательного шумового воздействия от транспортного потока наряду с другими шумозащитными сооружениями и техническими и организационными мероприятиями используют акустические экраны. Шумозащитные экраны снижают транспортный шум за счет поглощения, изменения длины волны, отражения, или дифракции. Шумозащитные экраны устанавливаются вдоль дорог, обычно имеют вид стены, насыпи или их комбинации. Выбор вида экрана выполняется с учетом доступности территории, вида материала, его стоимости, эстетики и удобств для населения. Также в качестве экранов можно использовать здания и сооружения с пониженными требованиями к шумовому режиму (предприятия бытового обслуживания, торговли, общественного питания, коммунальные; общественные и культурно-просветительные, административно-хозяйственные учреждения). В этом случае их следует размещать вдоль источников шума в виде фронтальной, по возможности непрерывной, застройки.

Кроме того, хорошо поглощают звук растения. Даже хвойные растения позволяют уменьшить уровень издаваемого автомобилями шума на 6-9 дБ. Положительных результатов в борьбе с шумом удается достигнуть применением специальных методов посадки – в несколько рядов. Лучшие показатели демонстрирует комбинация деревьев и кустарников [10 с. 86 - 101]. Однако, согласно исследованиям, растения неэффективны в борьбе с шумом низкой частоты. Поэтому для защиты от шума от грузовых автомобилей и больших автобусов, учитывая преобладание в них низкочастотных шумов от двигателя, необходимо использовать другие мероприятия [11 с. 19–27].

Организационные и административные меры направлены на предотвращение или регулирование во времени эксплуатации тех или иных источников шума. К ним относятся перераспределение движения транспортных потоков по магистралям города; ограничение движения в разное время суток по тем или иным направлениям; изменение состава транспортных средств (например, запрет использования на некоторых улицах города грузовых автомобилей и автобусов с дизельными двигателями) и т. п.

**Ибрагим СОДИКОВ**, д.т.н., профессор,  
**Покиза МУСЛИМОВА**, стар. преподаватель,  
ТГТУ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Содиков И.С. Муслимова П.Ш Геоинформационные система «Шум города» 2022 году» [Текст]. – Т.: Научный технический конференция. – 2022. – 75-79с.
2. Health implication of road, railway and aircraft noise in the European Union. – National Institute for Public Health and the Environment, 2014. – 59 p.

3. Stansfeld, S.A., Shipley, M. Noise sensitivity and future risk of illness and mortality // Science of the Total Environment. – 2015. – Vol.520. – P. 114–119. DOI: 10.1016 / j.scitotenv.2015.03.053.
4. Nicolas Pignier. The impact of traffic noise on economy and environment: a short literature study. –KTH ROYAL INSTITUTE OF TECHNOLOGY, 2015. - 17p.
5. Sabine J. Schlittmeier, Alexandra Feil, Andreas Liebl and Jürgen Hellbrück. The impact of road traffic noise on cognitive performance in attention-based tasks depends on noise level even within moderate-level ranges. // Noise Health. – 2015/ - Vol. 17(76). – P.148–157. DOI: 10.4103/1463-1741.155845. Tracy K. Swinburn, Monica S. Hammer, Richard L. Neitzel. An Economic Assessment of U.S. Environmental Noise as a Cardiovascular Health Hazard // American Journal of Preventive Medicine. - September 2015/ - Vol. 49. - Issue 3. - P. 345-353.
6. Shi Shu, Pu Yang, Yifang Zhu. Correlation of noise levels and particulate matter concentrations near two major freeways in Los Angeles, California. // Environmental Pollution. - 2014. - 193. – P. 130-137. DOI: 10.1016 / j.envpol.2014.06.025.
7. Makarova I., Khabibullin R., Mavrin V., Belyaev E. Simulation modeling in improving pedestrians' safety at non-signalized crosswalks. // TRANSPORT PROBLEMS. – 2016. – Vol. 11. - Issue 4. – P. 139-150.

УДК: 631.348.45

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ПАРАМЕТРОВ КОНУСООБРАЗНОГО ОБТЕКАТЕЛЯ ПНЕВМОДИСКОВОГО РАСПЫЛИТЕЛЯ НА АЭРОДИНАМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ВЕНТИЛЯТОРНОЙ УСТАНОВКИ

***Аннотация.** Мақолада айланадиган пневмодискли парчалагич параметрларнинг ОБК-600 пуркагичининг аэродинамик хусусиятларига таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ОБХ-600 пуркагичи вентиляторли мосламасининг хаво чиқиши қисмида жойлаштирилган пневмодискли парчалагич - ҳаво оқимининг ўқли тезлигини камайтириши аниқланди. Шу билан биргаликда, бу ҳолат суюқликни хаво оқими тамонидан иккиламчи майдалаш ва томчиларни ишлов бериш юзасига таъсири жараёнини бузмайди.*

***Annotation.** The article presents the results of experimental studies of the influence of the parameters of a rotating pneumatic disc atomizer on the aerodynamic characteristics of the fan unit of the OBX-600 sprayer. According to the results of the research, it was found that the presence of a pneumodisc atomizer at the outlet section of the nozzle of the fan installation reduces the axial velocity of the air flow. But at the same time, it does not violate the process of secondary crushing and transportation of drops to the treated surface.*

**Введение.** Анализ работы в области технологии опрыскивания показал [1,2], что одним из путей повышения эффективности химической обработки растений является применение малообъемного способа опрыскивания (МО), с расходом рабочих растворов до 50 л/га. Следовательно, создание высокопроизводительного опрыскивателя, отвечающего требованиям МО опрыскивания, где медианно – массовый диаметр капель составляет 80-120 мкм, является актуальной задачей.

**Цель исследования.** Целью настоящей работы является исследование влияние пневмодискового распылителя на аэродинамические характеристики вентиляторной установки опрыскивателя ОБХ-600,

**Материалы и методы.** Для исследования величины и направления векторов поля скоростей воздушного потока, площадь выходного сечения сопла разбили прямоугольной системой координат на отдельные прямоугольные участки, при этом принималось, что плоскость ХОУ совпадает с плоскостью выходного сечения насадки, ось У направлена вертикально, ось Х-горизонтально поперек воздушного по-

тока, а ось Z-вдоль по ходу воздушного потока. Величина скорости давления элементарной струйки воздуха замерялась пневмометрическим методом, т.е. с помощью трубки Пито-Прандтля и U-образного водяного манометра определения дина-метрического напора и затем аналитически вычислялось соответствующие значения скорости.

При этом изотермическая струя воздушного потока переходит в кольцеобразную форму, т.е. за распылителем с радиусом  $r$  образуется область покоя, где отсутствуют массовые силы, поскольку скорость воздушного потока  $U$  равна нулю (рис.1).

Аэродинамические характеристики изотермической струи кольцевого сечения подробно изучено в работах А.К.Мартынова [3], где приводится, что форма кольцевого сечения зависит от угла, заключенного между осью струи и осью симметрии. Расчетными и экспериментальными исследованиями установлено, что  $\alpha 30^\circ$ , форма изотермической струи имеет кольце-образную форму, а при  $\alpha 30^\circ$  ось струи начинает искривляться в сторону оси симметрии и струя трансформируется в струю круглого сечения. Исходя из

этого можно сделать вывод, что при соблюдении угла  $\chi$  30° изотермическая форма круглого сечения существующего вентиляторного опрыскивателя существенно не изменится. Поэтому для плавного изменения осевых скоростей воздушного потока и для сохранения круглого изотермического сечения воздушной струи необходимо установить на распылителе конусообразный спрямляющий элемент (обтекатель), углом бокового расширения  $\varphi$ .




Рис. 1 Схема установки пневмодискового распылителя на выходном сечении сопла.

**Результаты и обсуждение.** Насадки, имеющие квадратное или прямоугольное сечение с соотношением размеров  $h/b$  изотермическое сечение воздушного потока имеет круглую или эллипсную форму и для упрощения экспериментальных замеров эллипсная насадка серийного опрыскивателя (500x335) была заменена на насадку изготовленную из АМГ-2м с размерами 500x320 и 400x400, приблизительно равных по площади выходного сечения сопла. Для исследования величины и направления векторов поля скоростей воздушного потока, площадь выходного сечения сопла разбили прямоугольной системой координат на отдельные прямоугольные площадки, при этом принималось, что плоскость XOY совпадает с плоскостью выходного сечения насадки, ось Y направлена вертикально, ось X-горизонтально поперек воздушного потока, а ось Z-вдоль по ходу воздушного потока.

В узлах координатной сетки (точки пересечения горизонтальных и вертикальных нитей-осей) крепились шелковинки длиной 100мм, которые под действием воздушного потока вытягиваются и показывают направление вектора скоростей элементарной струйки воздуха в зоне соответствующей элементарной площадки.

Так как при определении основных параметров ветроколеса радиус ступицы выбранного винтообразного ветроколеса составил  $r_c = 65$  мм, то выбирая радиус основания конусообразного обтекателя  $r_k$  равным радиусу ступицы  $r_c$  ветроколеса и имея ввиду, что длина насадки сопла серийного опрыскивателя  $L=500$  мм, длина и угол расширения конусообразного обтекателя определяется из соответствия: длина обтекателя = 166 мм и угол бокового расширения обтекателя  $\varphi = 22^\circ$ , что вполне отвечает теоретическим предпосылкам.

Таблица 1.  
Аэродинамические характеристики сопла вентиляторной установки с пневмодисковым распылителем.

№ п.п.	Показатели	Без установки распылителя	С установкой распылителя
1.	Средний радиус выходного сечения, м	0,23	0,23
2.	Радиус основания конусообразного обтекателя, м	-	0,065
3.	Эффективная площадь выходного сечения, м <sup>2</sup>	0,166	0,152
4.	Среднее арифметическое давление воздушного потока, мм вод.ст.	189	170
	- в зоне обтекателя	-	221,9
	- за ветроколесом	-	109,4
5.	Скорость воздушного потока, м/с, в том числе		
	- в зоне конусообразного обтекателя	-	57,5
	- в сечении ометаемой ветроколесом	-	41,85
	- на выходном сечении сопла	52,35	45,65
6.	Весовой расход воздуха, кг/с	10,42	8,34
7.	Сила воздушного потока, н	545,5	380,7

Результаты измерений аэродинамических характеристик вентиляторной установки с пневмодисковым распылителем приведены в таблице 1.

Как видно из таблицы, с учетом установкой пневмодискового распылителя средне осевая скорость воздушного потока снизилась на 12,5 % (45,65 м/с вместо 52,35), причем осевая скорость воздушного потока увеличилась в зоне действия конусообразного обтекателя до 57,5 м/с и резко уменьшилась при прохождении площади ометаемой ветроколесом (41,85 м/с).

**Выводы.** Скорость воздушного потока на срезе сопла опрыскивателя ОВХ-600, действующая на процесс капле образования, после установки пневмодискового распылителя с обтекателем снижается с 52,35 м/с до 40-42 м/с, что в дальнейшем влияет на дальность орошения опрыскивателя.

Бурхон УТЕПОВ, к.т.н., доцент,  
Туйгун ХАЙДАРОВ, к.т.н., доцент,  
Нурмамат РАЖАБОВ, доцент, PhD,  
НИУ «ТИИИМСХ».

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Сохта А.К., Фантов А.Я. Механизация защиты растений. Состояние и перспективы//Обзор литературы. Тр.УзНИИНТИ.1980.-32 с.
2. Утепов Б.Б., Кияткин К.К. Технология малообъемного опрыскивания//Механизация хлопководства. -1991. -№8. С.10-12.
3. Мартынов А.К. Экспериментальная аэродинамика.-М:Оборонгиз, 1958.-345с.
4. Veletsky I.N. Prospects for the development of mechanization // Plant protection. -№1. -1985. -WITH. 34-35
5. В. Утепов. Justification of the basic parameters and operating modes of the pneumatic disc sprayer of the low-volume cotton sprayer. Abstract dissertation. ... cand. tech. sciences. -1993. -18 p.

## КЛАСТЕРЛАРНИНГ ЯНГИ СУБСИДИЯ ВА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

***Annotation.** Arable land, especially irrigated land, is the greatest affluence of any state. It is no coincidence that it is differentiated to the country's «gold endowment». The reason is that ensuring nourishment security, developing sectors of the economy, in short, lifting the population out of poverty and upgrade living standards depends in many ways on the efficient use of land resources.*

*Accurately, in 2022-2023, new encouragement mechanisms are being originated as a test. The state budget will provide a grant-in-aid of 1 million soums per hectare to up to date clusters that have grown soil fertility and cotton yields, introduced science-based crop rotation, launched new irrigation technologies and established plant protection services. Initially, 70% of the enumerated subsidy will be allocated. The rest will be transferred after the capitulate increases by an average of 15% compared to the previous season and is reflected in the analytical data of the State Statistics Committee.*

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ер сайёрасида 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ хўжалиги экинлари экилади. Аммо суғориладиган ерларнинг деярли 40 фоизи турли даражада шўрлангани, ҳар йили 6-7 миллион гектар ер экин экишга яроқсиз ҳолга келиши эртасига бефарқ бўлмаган кишини ташвишга солади. Қолаверса, айни пайтда сайёрамиз аҳолисига нисбатан ҳайдаладиган ер 10-20 йил аввалгидан анчайин камайиб кетдики, бу ҳол тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини икки-уч карра кўпайтириш яқин келажақда деҳқончиликнинг асосий вазифаси бўлиб қолишидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида 20 миллион гектардан ортиқ ер майдонларидан фойдаланилаётган бўлиб, шундан 3,2 миллион гектари суғориладиган экин майдонлари ҳисобланади. Ана шу нисбатан кичик заминдан аҳолининг эҳтиёжи учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хомашё етиштирилмоқда.

Бироқ глобал климат ўзгариши таъсирида кузатилаётган сув танқислиги, ирригация тармоқларининг яроқсиз ҳолатга келиши, қурғоқчилик ва чўллашиш жараёнларининг тезлашгани экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва айримларини эса қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишига олиб келган.

Кейинги йилларда соҳа ислоҳ қилиниб, қулай агробизнес муҳити яратиб берилаётгани туфайли ер ресурсларига муносабат тубдан ўзгарди. Тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада фойдаланишдан чиқиб кетган ерлар қайта оборотга киритилляпти, экинлар ҳосилдорлиги йил сайин ошмоқда. 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилгани, пахтачиликда ҳосилдорлик охириги бир йилда ўртача 6,3 центнерга ошгани бунинг яққол тасдиғидир.

### Гектарига 1 миллион сўмдан субсидия ажратилади

Президентимизнинг 2022 йил 25 мартдаги “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли томони шундаки, унга кўра эндиликда пахта майдонлари унумдорлигини оширган ва ҳосилдорлигини кўтарган ердан фойдаланувчилар, хусусан, кластерларга солиқ имтиёзлари ва субсидия берилади. Яъни 2022–2023 йилларда синов тариқасида рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий этилмоқда.

Гап шундаки, тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширган, илмий асосланган алмашлаб экишни йўлга қўйган, суғоришнинг янги технологияларини жорий этган ҳамда ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйган илғор кластерларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга 1 миллион сўмдан субсидия ажратилади. Ҳисобланган субсидия маблағининг дастлаб 70 фоизи ажратилади. Қолган қисми эса ҳосилдорлик олдинги мавсумга нисбатан ўртача 15 фоизга оширилиб, Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий маълумотларида ўз аксини топгач, ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, экин ерларининг унумдорлигини оширганларга солиқ имтиёзлари қўлланилади. Яъни амалдаги бонитет баллга нисбатан 3 баллгача ошган ҳолларда ер солиғи ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ошган ҳолларда 50 фоизга камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёзлар уч йил муддатга амал қилади.

### Энди ерлар “тирилади”

Афсуски, жаҳонда кузатилаётгани каби юртимизда ҳам табиий ва экологик омиллар, шунингдек, ирригация ва мелиорация тадбирларининг сифатли бажарилмаслиги оқибатида унумдор ерлар майдони қисқариб кетмоқда. Аниқроғи, суғориладиган ерларнинг катта қисми турли даражада шўрланган бўлса, пахтачилик туманлари тупроқларида 40-50 фоизгача гумус камайган. Шуларни эътиборга олган ҳолда, тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва яхшилашга қаратилган тизимли тадбирлар мажмуаси амалга ошириляпти. Қарорда кўзда тутилган илмий асосланган алмашлаб экиш — шулардан бири.

Шу ўринда айтиш жоизки, алмашлаб экишда ҳикмат кўп. Шу боис, бу айрим хорижий давлатларда қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Айтилик, Голландияда буғдой, картошка, маккажўхори (силос учун), қанд лавлаги алмашлаб экиш тизими қабул қилинган. Ерни ҳар хил касалликлардан сақлаш мақсадида бир майдонда картошкани 4 йилда бир мартадан, қанд лавлагини эса 3 йилда бир мартадан ортиқ экиш қонун билан тақиқланган.

Тан олиш керак, республикамизда асосий майдонларга сурункасига бир зироат жойлаштирилиши туфайли кўп ерларимиз “чарчади”. Шунинг учун Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида фаолият юритаётган 122 та кластерга, аввало, ерларни 41-45 сантиметр чуқурликда шудгор қилиш, шўрланган ерларда шўр ювиш тадбирини сифатли ўтказиш баробарида, алмашлаб экишни йўлга қўйиш тавсия қилиб келинмоқда. Унга кўра, еттига уч схемаси қўлланилади. Яъни бир ерга етти йил

пахта, уч йил беда экилади.

Алмашлаб экиш учун беда ўз-ўзидан танлангани йўқ. Ушбу ўсимлик ҳаводан табиий азот, фосфор, калийни олиб тупроққа беради. Натижада бу тинкаси қуриган ерга бамисоли қувват бўлиб, уни “тирилтиради”, пахта ҳосилдорлиги ошишига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

### **Сув сарфига бўлган ёндашув ўзгарди.**

Илгарироқ сув тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилган эди. Ҳозирда суғоришнинг янги технологияларини жорий қилганлар моддий рағбатлантирилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистоннинг янги агросиёсатида сув сарфига бўлган ёндашув ҳам, талаб ҳам ўзгарди. Эндиликда 1 куб метр сувдан қанча ҳосил олинади деб эмас, балки шунча сув билан қанча майдонни суғориш, пировардида қанча даромад олиш масаласи кўндаланг қўйилмоқда. Натижада суғоришда эски усуллардан секин-аста воз кечилиб, унинг тежамкор йўллари қўлланилаётгани ўзининг ижобий натижаларини берапти.

Дарҳақиқат, 2021 йилда жами 515,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 197,5 минг гектарда томчилатиб суғориш жорий қилинди. Натижада сув тежовчи технологиялар қўлланилган жами ерлар 917,0 минг гектарга ёки суғориладиган майдонларнинг 20 фоизига етказилди.

Сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш орқали пахтани етиштириш, интенсив боғларнинг 30,4 минг гектарида томчилатиб суғориш тизимини ташкил қилиш, янги токзорлар барпо этиш ва уларни сув билан таъминлаш учун бурғуланган қудуқлар қазилш ва томчилатиб суғориш технологияларини жорий этишга жами 1,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Марказий Осиё минтақасида суғорма деҳқончилик қилинаётган экин майдонларининг энг катта қисми Ўзбекистон улушига тўғри келади. Бироқ уларни суғоришда қўшни давлатларда шаклландиган дарё сувларига боғланиб қолинган. Аниқроғи, республикамиз эҳтиёжлари учун Орол денгизи минтақасидаги Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳар йили шаклландиган сув ресурсларининг муайян қисмигина ишлатилади.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда аҳоли сони 20,3 миллион кишини ташкил этиб, иқтисодиёт тармоқларида йилига ўртача 64 миллиард м<sup>3</sup> сув сарфланган бўлса, бугунги кунда аҳоли жон боши 35 миллион нафардан ортиб, иқтисодиётимиз тармоқлари учун ишлатилаётган сув ҳажми 51-52 миллиард м<sup>3</sup>ни ташкил этмоқда, холос. Яъни аҳоли сони кўпайгани сари сув ресурслари тобора камаймоқда. Бундан кўринадики, нажот фақат — сув тежовчи технологияларда. Амалиётга уларни кенг қўллаш орқалигина минтақада юз бериши муқаррар бўлган сув

тақчиллигининг салбий таъсирларни юмшатиш мумкин.

Кишини ҳушёрликка чорлайдиган жиҳат шундаки, 2030 йилга бориб, деҳқончилик мавсумида сув танқислиги 7 миллиард м<sup>3</sup>, 2050 йилга қадар эса 13–15 миллиард м<sup>3</sup>га етиш эҳтимоли юқори. Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрлари 2030 йилга бориб 5 фоиз, 2050 йилда 7–10 фоиз ошиши тахмин қилинмоқда. Буларнинг бари олдимизга сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жадал қўллаш, суғоришда интенсив усулларни татбиқ қилиш, энг муҳими, ерларнинг деградацияга учраши ва чўлланишининг олдини олиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан бундай лойиҳалар ташаббускорларига тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари кластер иштирокчиларига катта рағбат бўлади, албатта.

### **1 гектар ердан қанча даромад олиш мумкин?**

Аграр жабҳадаги натижалар биргина ҳосилдорлик кўрсаткичи билан ўлчанадиган даврлар ўтиб кетди. Бугунги пайтда олинадиган даромад ва соф фойда асосий мезонга айланмоқда. Шу маънода, 1 гектар ердан қанча ҳосил олинганидан кўра, қанча даромад кўрилгани муҳимроқ эканлигини деҳқонларимиз аллақачон англаб етишган.

Хўш, Ўзбекистонда 1 гектар ердан қанча даромад олинмоқда?

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, қанчалик ортда қолиб кетаётганимиз кўзга яққол ташланади. Маълумотларга қараганда, Голландияда бир гектар ердан 160 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олинмоқда. Ёки бўлмаса, Вьетнамда бир туп ғўза ўсмайди, бир килограмм пахта етиштирилмайди, лекин миллиард-миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинади. Йилига 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси етиштириладиган Ўзбекистонда-чи?

Афсуски, бир гектар ердан олинадиган даромад кўпи билан 3 минг доллардан ошмайди, пахта-тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 3 миллиард доллар атрофида, холос.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида иш юритишнинг кластер тизимига ўтилишидан кўзланган биринчи мақсад — ердан самарали фойдаланиш. Ҳар гектар ердан кўпроқ даромад топиб, одамларни бой қилишдир. “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор бу борадаги ишларга янги суръат ва мазмун бағишлаши шубҳасиз.

**Саъдулла ТОЖИЕВ, и.ф.н.,**

*Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.*

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-179-сонли қарори.
3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий веб-сайти — [parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайти — [water.gov.uz](http://water.gov.uz).
5. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти — [stat.uz](http://stat.uz).
6. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси расмий веб-сайти — [unesco.org](http://unesco.org).

## ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

Айни пайтда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар силсиласи озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминотини мамлакатлар, халқлар тақдиридаги муҳим масалага айлантормоқда. Муайян жараёнлар сабаб озиқ-овқат тақчиллиги сезила бошлаганини халқаро экспертлар ва соҳа мутахассислари ташвиш билан қайд этмоқда. Ҳатто, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилгани кузатилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керак, мамлакатимиздаги изчил ва аҳолини рози қилишга қаратилган сиёсат туфайли бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархида кескин ўзгариш сезилмаяпти. Давлат томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бозор механизмларининг бир маромда сақланиб туришига хизмат қиляпти. Жумладан, аҳоли озиқ-овқат таркибининг муҳим қисми бўлган гўшт, сут ва парранда маҳсулотларининг қийматида ҳам тебраниш кузатилаётгани йўқ.

Бу ҳақда сўз кетганда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ветеринария соҳасига эътиборни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлаш жоиз. Мазкур қарор асосида ветеринария бўйича халқаро алоқаларни йўлга қўйишнинг дастлабки жараёни бошланди. Шу йили мамлакатимиз Жаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳукуматимиз ва Халқаро эпизоотик бюро ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Келишув асосида мамлакатимизда ветеринар осойишталикни таъминлашни жаҳон стандартларига тенглаштириш учун бюронинг тўққиз нафар эксперти жалб қилинди.

Эътиборлиси шуки, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кўмитанинг халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси ташкил этилди ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик янги поғонага кўтарилди.

Шу ўринда халқаро ҳамкорликдан бизга қандай манфаат бор, деган савол туғилиши табиий. Тан олиш керакки, аҳоли, хусусан, соҳа билан шуғулланадиган фермер хўжаликларининг ички ресурси билан чорвачиликни янада ривожлантириш қийин. Чунки чорвачиликда қўлланадиган замонавий ускуна ва жиҳозлар, техника дунё миқёсида жуда қиммат туради. Мисол учун, бир мартада элликта сигирдан сут сут соғиб олиш имконини берадиган автоматлаштирилган хонани барпо этиш, зарур ускуналар комплекси билан жиҳозлаш учун камида 7-8 миллиард сўм керак. Бунча сарф-харажатга унча-мунча фермерларимизнинг қурби етмайди. Банк кредитидан олай, деса толган даромадининг аксарият қисми фоизни қоплашга кетади. Боз устига чорвачилик рискли йўналиш ҳисобланади. Ку-

тилмаган вазиятлар туфайли фермер бор тоганидан айрилиши мумкин. Шу боис, соҳани ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг грант маблағларидан фойдаланиш самарали йўл ҳисобланади. Улар муайян лойиҳа доирасида керакли ускуна, техник воситаларни етказиб беради. Эвазига биз улар истаган чорвачилик маҳсулотини бозор нархида етказиб беришни зиммаимизга оламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар кўмаги мамлакатимизда интенсив чорвачиликни юзага чиқариб, чорва билан шуғулланувчи фермерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда мана шундай аҳамият касб этади.

Ҳаммаимизга яхши маълум: ишлаб чиқарувчи қанча кам маблағ сарфласа, маҳсулот таннархи шунча арзон бўлади. Қиймат пасайиши, ўз навбатида, бозорларимиз ободлиги, дастурхон тўқинлиги ва халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

Халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор давлатлар билан келишувлар имзоланди. Жумладан, 2019 йилда Хитой Халқ Республикасига ишлов берилган жун, кашемир, асал ва ичак маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича протокол, 2020 йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Венгрия аграр палатаси ва Венгрия чорвадорлар иттифоқи ўртасида чорвачилик соҳасидаги битим, 2021 йилда Туркия Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ўртасида балиқчилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида балиқчилик соҳасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бундан ташқари, Беларусь, Россия, Саудия Арабистони, Германия, Япония, Латвиянинг тегишли вазирлик ва идоралари билан ветеринария ва чорвачилик соҳасида меморандум лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотларининг грант маблағларини жалб этиш йўлга қўйилди. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ветеринария, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

АҚШнинг Биохавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдам дастури лойиҳаси доирасида умумий қиймати 1,9 миллион АҚШ долларига тенг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган олти худудий диагностика лабораторияси ташкил этилди.

Жанубий Кореянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) грант маблағлари доирасида 150 минг АҚШ долларига тенг 14 турдаги замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилди. Мазкур мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ҳамкорлик ташкилоти (KOPIA) билан бирга 2019-2020 йилларда “Аҳоли хонадонларида чорва молларини етиштириш усулларини такомиллаштириш” лойиҳаси амалга оширилди. Хозир ушбу ташкилот билан умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлган “Ўзбекистонда сут ишлаб чиқаришда



соғин сигирларни боқиш, селекцияни жадаллаштириш ва кўпайтириш” лойиҳаси давом эттирилмоқда.

Туркия Халқаро ҳамкорлик агентлиги (TIKA) билан умумий қиймати 178 минг АҚШ доллариға тенг бўлган озуқабоп экинларда бирламчи уруғчилик ишларини такомиллаштириш ва юртимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли, арзон тухум ва товуқ маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича кўшма лойиҳалар жадал давом этяпти. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда қорамолларни сунъий уруғлантириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уч мингдан ортиқ мутахассиснинг малакаси оширилди.

Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) дастури доирасида умумий қиймати 350 минг АҚШ доллари бўлган тўртта лойиҳа амалга оширилмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик кўмагида 320 минг евро миқдоридаги замонавий лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорлик доирасида ветеринария ва чорвачилик соҳасига агентликнинг умумий қиймати 200 миллион АҚШ доллариға тенг имтиёзли кредит маблағларини жалб этилмоқда.

Шу кунга қадар мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун илғор хорижий технологияларни жорий этиш мақсадида халқаро молия институтларининг умумий суммаси 441,9 миллион АҚШ доллариға тенг имтиёзли кредит маблағлари жалб қилинди.

Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳа доирасида 150 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Натижада фермер хўжаликлари томонидан бажарилган 517 та лойиҳа молиялаштирилди. Ташаббускорлар чет давлатлардан 30 минг қорамол ва 16,5 минг бош қўй-эчки, 710 бош от ва туя келтирди. Қўшимча 2,5 миллионга парранда боқиш қувватига эга ускуна, шунингдек, балиқ етиштириш ва сутни қайта ишлаш технологиялари харид қилиниб, олти мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Осиё тараққиёт банкнинг “Чорвачилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида чорвачилик тармоқларини молиялаштириш учун 146 миллион АҚШ доллари ҳамда соҳани кўллаб-қувватлаш хизмати ва лойиҳани бошқариш ишларига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳа ҳисобидан бугунги кун ҳолатига кўра, 112,9 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиб, 988 та лойиҳа бажарилди. Натижада 33 минг бош насли қорамол, 55 минг бош зотдор қўй-эчки, 16,5 мингта насли қўён, 2 миллионга парранда, 280 бош от, 138 та қишлоқ хўжалиги техникаси, йилига 30 тонна асал олиш, 400 тонна жунни қайта ишлаш, 10 500 тонна сутни қайта ишлаш, 7,6 минг тонна балиқ етиштириш, 435 тонна гўштни қайта ишлаш, 22 минг тонна ем ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар харид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги тараққиёти халқаро жамғармасининг “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 23,9 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунгача лойиҳа ҳисобидан 16,7 миллион АҚШ

доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Натижада 432 та сублоиҳа амалга оширилиб, 4342 минг бош насли йирик шохли қорамол, 17 та сублоиҳа асосида кунига 6 тонна сутни қайта ишлаш ва соатига 1 тонна ем-хашак ишлаб чиқариш ускуналари, 92 дона қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди, 4345 нафардан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида 100 миллион евро имтиёзли кредит ҳамда Европа иттифоқининг 11,5 миллион евро грант маблағлари жалб қилинди. Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида олиб борилган музокаралар давомида кўшимча молиялаштириш учун 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилиши бўйича келишиб олинди. Мазкур лойиҳанинг қарз битими 2022 йилда имзоланиши кутилмоқда.

Қўмита юртимизни дунёнинг ветеринария ва чорвачилик соҳалари ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш бўйича самарали механизмни йўлга қўйди. Жумладан, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича “Экспортни кўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш штаби” ташкил этилган.

Мазкур штаб давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг экспорти тизимли йўлга қўйиши натижасида 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври давомида бир қатор ишларни бажарди. Жумладан, маҳаллий чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун 70 га яқин хўжалик юритувчи субъектга янги имконият яратилди. Хусусан, улар Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Қирғизистон, Украина, Хитой Халқ Республикаси, Европа иттифоқи бозорига маҳсулот олиб чиқиш имкониятини кўлга киритди. Айни пайтда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги 36 турдаги товар 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда.

Қўмита хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳам фаол ҳамкорлик ўрнатмоқда. Жумладан, Германия, Венгрия, Чехия, Португалия, Италия, Польша, Туркия, Япония, АҚШ, Россия, Беларусь, Қозоғистон, ва Тожикистон олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан етмишдан ортиқ ҳамкорлик шартномаси ва меморандум имзоланди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Барча соҳалар қатори чорвачиликда ҳам маҳсулдорликни ошириш, наслчиликни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, аҳолининг озиқ-овқатга кун сайин ошаётган талабини қоплаш учун инновациялар амалиётга татбиқ этиляпти. Уларни ўрганиб, мамлакатимизда жорий этишдан, табиийки, манфаатдормиз.

Яқин келажақда тармоқдаги янги механизм ўз самарасини беради. Аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида маҳаллий чорва маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти кенгайиб бораверади.

**Сирожддин БЕРДИҚУЛОВ,**  
*Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раисининг ўринбосари.*

## ХУСУСИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУАММОЛИ ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация.** Тиббиёт соҳасида хусусий секторни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан биргалликда бюджетдан маблағ ажратиш жараёнида хусусий секторни иноватга олиш, давлат томонидан кафолатланган пакетдан ташқари кўрсатиладиган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш, арзон ва ундан фойдаланиши соддалаштириши орқали аҳоли ва беморлар учун танлов имкониятини тақдим этади. Аҳоли ва беморлар учун тиббий хизматдан фойдаланиш борасида танлов имконияти тақдим этилишида, бюджет маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни молиялаштиришининг янги механизмини яратиш лозим бўлиб, ундан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимини жорий этиш лозим бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли тиббий ҳолатини яхшилашни таъминлашга хизмат қилади.

**Annotation.** The development of the private sector in the field of medicine, along with the support of the private sector in the process of allocating funds from the budget, provides a choice for the population and patients by expanding the range of medical services provided outside the state-guaranteed package. In order to provide the population and patients with a choice in the use of medical services, it is necessary to create a new mechanism for financing vulnerable groups under the state-guaranteed package from the state budget, including the introduction of electronic information system for registration and referral, which in turn serves to improve the medical condition of the population.

Саломатлик – инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истаги. Шу боис, янги Ўзбекистонда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани изчил ривожлантириш-такомиллаштириш ислохотларнинг бош мезони, пировардида барчаси “Инсон қадрини учун” деган ғоя асосида соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилиши кераклиги кўп бор таъкидланмоқда.

Охириги йилларда хорижий тажриба асосида бу соҳада катта ишлар қилинди, тиббиётни бошқариш ва уни молиялаштиришнинг замонавий илғор усуллари қўлланилиб, тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм режалаштирилган бўлиб, бу маблағ 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп эканлиги сўзимизнинг исботидир.

Шунингдек, ўтган беш йилда тиббиёт муассасаларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилиб, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинган.

Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан бири - давлат шифохоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланаётгани бўлиб, хусусий тиббиётга енгиллик берилгани натижасида уларнинг сони ортиб, ҳозирда деярли барча йўналишларда тиббий хизмат кўрсатадиган 8 минга яқин хусусий клиникалар фаолият юритиб келмоқда. Келгусида ушбу хусусий клиникалар учун мавжуд имкониятлар янада кенгайтирилиб, уларнинг сони янада ортишига ва энг асосийси давлат тиббиёт муассасалари зиммасидаги юкни қисқартиришга хизмат қилишига умид қилинмоқда.

Мазкур масалада, хусусий клиникаларнинг ортиши ва келгусида давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилишида уларнинг имкониятларини баҳолаш ва уларда кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати, бюджетдан ажратилган миқдор доирасида тиббий хизмат билан таъминланиши, маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва якуний натижада ҳисобдорликка оид ўрганишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Олиб борилган таҳлилларимизга кўра, 2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 10391 та субъект хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кундаги энг катта муаммо ва масала ушбу хусусий тиббиёт субъектлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати, кўрсатилган тиббий диагностика, амбулатория ва амалий-жарроҳлик хизматлари учун тўловларнинг калькулятив миқдори ва унинг асосланганлигининг мавҳумлигидир.

